

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Үч.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**САФАРОВ ДЖАХОНГИР ИСМОИЛОВИЧ**

**ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИ  
ВА УЛАРНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШ**

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ.  
Экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Сафаров Джахонгир Исмоилович**

Экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизими ва уларни  
кодификациялаш ..... 3

**Сафаров Джахонгир Исмоилович**

Система экологического законодательства и его кодификация ..... 35

**Safarov Djakhongir Ismoilovich**

System of ecological legislation and it's codification ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 69

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Үч.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**САФАРОВ ДЖАХОНГИР ИСМОИЛОВИЧ**

**ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИ  
ВА УЛАРНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШ**

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ.  
Экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Үз38 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «ZiyoNET» таълим ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Файзиев Шухрат Ҳасанович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Усмонов Муҳаммади Бахритдинович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Насриев Илхом Исмоилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Камалов Ойбек Ахматович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Үз.25.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил 9 июнь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2018 йил 28 майда тарқатилди.  
(2018 йил 28 майдаги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ў.Х. Муҳамедов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

**И.Ю. Фазилов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.д.

**О.А. Камалов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ю.ф.д., доцент

## КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ экологик инқирозларнинг олдини олиш ҳамда барқарор ривожланишга ўтишнинг аҳамияти изчил ошаётган, ушбу соҳада қонун ҳужжатлари ҳажми кескин ортаётган (сўнгги бир йил ичида 3500 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинган<sup>1</sup>) ҳозирги шароитда экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш масаласи муҳим роль ўйнайди. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими таҳлили мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тизимини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш асосида тизимдаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, шунингдек ҳаволаки нормаларни амалга ошириш орқали ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Жаҳонда экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш ва кодификациялаш, уларнинг ижроси устидан назорат қилиш ва мониторингни амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарурати бу борада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Экология ҳуқуқининг замонавий институтларини ҳуқуқий таъминлаш, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларини халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш, қонун ҳужжатлари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ва қарама-қаршилиқларни бартараф этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари миқдорининг ортаётганлиги муносабати билан уларни кодификациялаш каби масалаларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш; глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг салбий таъсирини юмшатиш; аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш; атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш<sup>2</sup>; муқобил энергия манбаларини жорий қилувчи, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза услубларини йўлга қўядиган субъектларни рағбатлантириш; аҳолини экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш ва жойлаштириш

<sup>1</sup> ECOLEX портали материаллари таҳлили (<http://www.ecolex.org>).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тартибини такомиллаштириш; «яшил ҳудудлар»ни ташкил этиш; энергия тежовчи технологиялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни тарғиб қилиш; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида 2019-2023 йилларга мўлжалланган концепцияни ишлаб чиқиш<sup>3</sup> бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, бошқа соҳа қонун ҳужжатларини экологизациялаш, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини экология соҳасидаги қонун ҳужжатларига имплементация қилишни тақозо этади. Айниқса, бу борада экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи сифатида Экология кодексини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (2000), «Экологик назорат тўғрисида»ги (2013) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон, 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш соҳасида экологик-ҳуқуқий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида,

<sup>3 3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; [www.hs-mittweida.de](http://www.hs-mittweida.de); <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; [www.rug.nl](http://www.rug.nl); <http://www.wwfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; [www.iseu.bsu.by](http://www.iseu.bsu.by).

жумладан Oxford University, Cambridge University, Manchester University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (Буюк Британия), Humboldt Universitat, The University of Applied Sciences Mittweida (Германия), The University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), IUCN Academy of Environmental Law, Yale Center for Environmental Law and Policy, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, Indiana University (АҚШ), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Uppsala universitet, Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Utrecht University, University of Groningen, Maastricht University (Нидерландия), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Academy of European Law (Венгрия), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институтиди (Беларусь) олиб борилмоқда.

Жаҳонда экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: «яшил ҳудудлар»ни ташкил этиш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмлар таклиф этилган (Yale Center for Environmental Law & Policy (АҚШ), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция); экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, биологик ёқилғидан фойдаланиш, урбанизациянинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш асосланган (IUCN Academy of Environmental Law (АҚШ), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон); атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш институтини жорий этиш орқали экология соҳасида замонавий ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ривожлантириш зарурати асосланган (Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), University of Groningen (Нидерландия); экологик қонун ҳужжатлари тизимини оптимизация қилишнинг афзалликларини очиқ бериш орқали атроф-муҳит сифатига оид халқаро, Европа ва миллий қонун ҳужжатларини ўзаро нисбати аниқланган (Indiana University (АҚШ), Utrecht University (Нидерландия); маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда экологик тоза услубларни, энергия тежовчи технологияларни қўллайдиган субъектларни рағбатлантириш орқали аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш зарурати асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (Ўзбекистон Республикаси).

Дунёда экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш борасида қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: саноатни экологизациялаш ва экологик тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш; экологик зарарнинг олдини олиш, ҳисоблаш ва қоплашга оид

муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш; экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш; экологик маданиятни юксалтириш; экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини кодификациялаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимлари У.Б.Бозоров, Ж.Т.Холмўминов, Й.О.Жўраев, Ш.Х.Файзиев, М.Б.Усмонов, С.С.Ҳамроев, Б.Б.Алиханов, У.Т.Аюбов, Н.К.Скрипников, И.А.Черкашина, Д.М.Умаров, Д.Н.Маҳкамов, О.Х.Нарзуллаев, М.М.Нурматов ва бошқаларнинг илмий ишларида экологик қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялашнинг умумий ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Г.Винтер, К.Дунер, Л.Кремер, Ж.Нассет, Н.А.Робинсон, Г.В.Ренгелинг, Р.Steinберг, Д.Хугес, В.Т.Даума, И.О.Краснова ва бошқалар мавзу предмети доирасида изланганлар. К.Дунер Швеция ва Ж.Нассет Франция Экология кодексининг тузилиши, унинг экология соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ўрнини, уни янада такомиллаштириш истиқболларини, Н.А.Робинсон АҚШ ҳамда Г.Винтер, Л.Кремер, Д.Хугес ва В.Т.Даумалар Европа Иттифоқи экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини, Г.В.Ренгелинг ва Р.Steinберглар Европа Иттифоқи Экология кодексини ишлаб чиқиш истиқболлари ва муаммоларини ўрганганлар.

МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш масалалари В.И. Андрейцев, С.А.Боголюбов, М.М.Бринчук, А.К.Голиченков, О.Л.Дубовик, И.О.Краснова, В.В.Петров, А.С.Шестерюк, Ю.С.Шемшученко, Д.А.Байдельдинов, В.А.Гуляев, В.И.Лозо ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, 2000 йилда Т.В.Злотникова томонидан «Замонавий босқичда Россия экологик қонунчилигини ривожлантириш муаммолари» мавзусида ва 2007 йилда И.А.Игнатъева томонидан «Экологик қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзусида докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Мамлакатимизда экологик қонун ҳужжатлари тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари, экологик муносабатларни тартибга солишда экологизациялашган нормаларнинг ўрни, экология соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш муаммолари, экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари, уларнинг ижросини таъминлаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш, ижроси устидан назорат ва мониторингни амалга оширишга доир масалалар махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ



этишда қонун ижодкорлик жараёнини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» илмий тадқиқоти доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экологик қонун ҳужжатлари тизими тушунчаси, таснифи ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

экологик қонун ҳужжатлари тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

экологик қонун ҳужжатлари тизимида конституциявий нормаларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

экологик қонун ҳужжатлари тизимида қонунларнинг юридик табиатини очиқ бериш ва таснифини ишлаб чиқиш;

экология соҳасидаги қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва таснифи масалаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

экологик муносабатларни тартибга солишда экологизациялашган нормаларнинг ўрнини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

экология соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ўрганиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тавсиялар бериш;

экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш тушунчаси, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш борасида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда ушбу соҳа қонун ҳужжатларини кодификациялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар шакллантириш;

экологик қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар киритиш;

экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси назорати ва мониторинги билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш;

экологик қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** экология соҳасида қонун ҳужжатлари ва уларни кодификациялаш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари, интервью ва ҳ.к.), мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларнинг тизимли таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш ҳуқуқини бериш, ушбу тузилмада экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилган;

экологик назорат вазифаларини қонунда белгилаш, экологик назорат жамоат инспекторларини махсус тайёргарликдан ўтказиш тартибини жорий этиш таклиф этилган;

ҳайвонот дунёси мониторинги, ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш ва тақиқлаш, улардан махсус фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

ғайриқонуний равишда тугилган ёввойи ҳайвонларни, уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини, уларни ғайриқонуний равишда тутиш қуроли ва воситаларини олиб қўйиш тартибини жорий этиш асосланган;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари сирасига «ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича биотехник тадбирларни амалга ошириш», «бошқа ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик», «қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаш» каби мажбуриятларни киритиш асослаб берилган;

экологик ахборот, экологик суғурта, экологик аудит, экологик зарар, экологик таълим-тарбия, экологик ҳалокат зоналари каби институтларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш орқали экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чиқиндиларни, шу жумладан чет элга мансуб радиоактив чиқиндиларнинг ҳар қандай турларини сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида олиб кириш, утилизация қилиш учун тегишли технологиялар мавжуд бўлган чиқиндиларнинг кўмиб ташлаш каби таъқиқланган хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш лозимлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар элликка яқин ҳаволаки нормаларни реализация қилишга, экология суғуртаси, экологик сертификатлаш, экологик зарарни қоплаш асослари ва тартиби ҳамда фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари ҳуқуқий ҳолатини такомиллаштиришга, сув объектларидан дам олиш ва спорт, оқава сувларни оқизиш учун фойдаланиш, сув омборларидан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш тартибини, ерлардан фойдаланиш мақсадини ўзгартириш, ўрмон тузиш ва тиклаш, чиқиндиларни паспортлаш тартибини белгилаб

беришга ҳамда экологик-ҳуқуқий механизм институтлари тўлақонли амалга оширишга хизмат қилади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш унинг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш учун асос бўлади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги (Янги таҳрири) қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экология соҳасидаги ваколатлари махсус қоидаларда белгилаб берилиши ушбу тузилмаларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф-муҳитга хавфсизлиги учун чиқиндиларнинг мулкдорлари жавоб беришлари тўғрисидаги қоида «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунда атрофлича акс эттириш ушбу соҳада мулкдорлар масъулиятини оширишга ҳамда атроф-муҳит сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Экология соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан ўз йўналишлари бўйича қонун ҳужжатлари мониторингини тизимли равишда амалга ошириш борасида яхлит тизим жорий этиш тўғрисидаги таклиф, ўз навбатида, ушбу соҳада қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун шароит яратади.

Хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳужжатларидаги илғор нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда энг замонавий институтлар ва нормалар билан бойитиш имконини беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган 2 қисм, 28 боб ва 676 моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг Экология кодекси лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Концепциясининг қабул қилиниши экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш орқали унинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга, шунингдек экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолиятини тизимли ва аниқ режа асосида амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Экология ҳуқуқи», «Ер ҳуқуқи» ва «Аграр ҳуқуқ» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида экология соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини кодификациялаш, экологизациялашган нормалар, экология соҳасида қонун ижодкорлиги, экологик қонун ҳужжатлари ижроси, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси назорати ва мониторингига доир нормаларни жорий этиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, «Экология ҳуқуқи», «Ер ҳуқуқи» ва «Аграр ҳуқуқ» фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли органлар ва жамоатчилик тузилмаларининг экология соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 05.04.2016 йилдаги Д-07/166-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар жамоатчилик экологик назорати институтини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

экологик назорат вазифаларини қонунда белгилашга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 04.04.2016 йилдаги №11-03/128-сонли далолатномаси), экологик назорат жамоат инспекторларини махсус тайёргарликдан ўтказишга оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 1 апрелдаги СҚ-85-III-сонли қарорида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 18.04.2016 йилдаги №10-15/284-сонли далолатномаси) ўз

ифодасини топган. Ушбу таклифлар экологик назорат институтининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшган;

ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 12.10.2016 йилдаги 04/4-178-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер соҳасида жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш, ер участкасидан оқилона фойдаланишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг нормаларини такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 04.04.2016 йилдаги №11-03/128-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 18.04.2016 йилдаги №10-15/284-сонли далолатномалари). Ушбу таклифлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатларини кучайтиришга, ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга ҳисса қўшган;

«инсоннинг яшаш муҳити» тушунчасининг юридик таърифини қонун ҳужжатларида акс эттириш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 18.04.2016 йилдаги №10-15/284-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф фуқароларнинг яшаш муҳитининг норматив таърифини бериш ва шу орқали ушбу муҳитни муҳофаза қилиш асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

биологик чиқиндиларнинг муомалада бўлиши ва йўқ қилиб ташланиши чоғидаги талабларни белгилаш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 18.04.2016 йилдаги №10-15/284-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф биологик чиқиндилар билан муомалада бўлишда ва уларни йўқ қилиб ташлашда экологик хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 29 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 25 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 20 та (16 та республика ва 4 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 265 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқот-нинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Экологик қонун ҳужжатлари тизими: умумий тавсифи ва ривожланиш тарихи»** деб номланиб, унда экологик қонун ҳужжатлари тизимининг умумий тавсифи ва таснифи, ўзига хос хусусиятлари ҳамда такомиллашувининг тарихий ва замонавий ривожланиш босқичлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг *«Экологик қонун ҳужжатлари тизими: тушунчаси, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари»* деб номланган биринчи параграфда «тизим», «қонун ҳужжатлари тизими» ва «экологик қонун ҳужжатлари тизими» каби илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, умумий ҳамда фарқли жиҳатлари, шунингдек, экологик қонун ҳужжатлари тизимининг мустақиллиги ва ўзига хослигини тавсифловчи хусусиятлари очиқ берилган.

Параграфда ушбу тушунчаларга нисбатан хорижий ҳуқуқшунос олимлар (О.Л.Дубовик, Б.Д.Клюкин, И.Ф.Панкратов, А.Безбородов, А.К.Голиченков, Лю Хун Янь) ва ўзбекистонлик олимлар (Б.Алихонов, Ш.Х.Файзиев, Й.О.Жўраев, М.К.Нажимов) томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимига экология ҳуқуқининг ички тузилмаси ва мазмунини ифодаловчи ва расмий тус берувчи ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи сифатида таъриф берилган.

Диссертацияда экологик қонун ҳужжатлари тизимини таснифлаш масаласи алоҳида тадқиқ этилган. Хусусан, экологик қонун ҳужжатлари тизими ҳуқуқшунос олимлар томонидан икки (С.А.Боголюбов), уч (Р.Лазарус, Р.Ҳардман, М.Фауре, Е.Высторобец), тўрт (Н.К.Скрипников), беш (Р.А.Гусева), олти (Н.А.Карпович) гуруҳга бўлиб ўрганилиши аниқланиб, экологик қонун ҳужжатлари тизимини таснифлашнинг олти

мезони ажратилди: юридик кучи; экологик муносабатларнинг асосий йўналишлари; тартибга солиш предмети; ҳуқуқий тартибга солиш табиати; қонун ҳужжатлари тизими ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш доираси бўйича таснифлаш.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида экологик қонун ҳужжатлари тизимининг ўзига хос хусусиятлар таҳлил этилиб, ҳуқуқшунос олимларнинг (Б.Б.Алихонов, Н.К.Скрипников, Д.М.Умаров, С.В.Самойлов, О.Р.Рахимов, М.К.Нажимов, О.Л.Дубовик) ушбу соҳадаги фикр-мулоҳазаларини ўрганган ҳолда экология соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тўртта хусусияти алоҳида ажратиб кўрсатилди: экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари табиат қонуниятларига асосланиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга, табиий мувозанатни сақлашга қаратилган бўлиши; қонун ҳужжатлари тизимининг ушбу тармоғи икки даражали – горизонтал ва вертикал тизимида намоён бўлиши; Ўзбекистон Республикаси экологик қонун ҳужжатлари тизими атроф табиий муҳит барқарор сифатиغا эришишни таъминлашга хизмат қиладиган йўналишларда шаклланганлиги; экологик қонун ҳужжатлари тизими комплекслиги.

Мазкур бобнинг *«Экологик қонун ҳужжатлари тизимининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари»* масалаларига бағишланган иккинчи параграфида экологик қонун ҳужжатлари тизимининг тарихий ривожланиши босқичлари тадқиқ этилган. Диссертант томонидан илк маротаба экологик қонун ҳужжатлари тизимининг тарихий ривожланишини тўрт босқичга ажратган ҳолда даврлаштириш таклиф қилинмоқда. Биринчи босқич экологик-ҳуқуқий норма ва қоидаларнинг шаклланишига оид қадимги даврни қамраб олиб, унда «Авесто»даги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар, шу жумладан экологик тарбия, табиатни ифлослантириш учун жавобгарлик ва атроф-муҳитни сақлаш масалалари тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган. Иккинчи босқич ўрта асрлардаги экологик қонун ҳужжатларининг ривожланишига бағишланган бўлиб, унда ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз», Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Ибн-Харбуннинг «Муқадима», Юсуф Тавасийнинг «Доно фикрлар хазинаси» каби асарлари таҳлили асосида ушбу даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган. Учинчи босқич шўролар ва собиқ Иттифоқ даврида экологик қонун ҳужжатларининг ривожланиши босқичини қамраб олади, ушбу босқичда Ўзбекистонда экологик қонун ҳужжатларини кодификациялаш жараёни бошланиб, 1929 йилда Ер-сув кодекси, 1970 йилда Ер кодекси ҳамда 1972 йилда Сув кодекси қабул қилинган. Ушбу даврда табиий ресурслардан табиат қонуниятларини инкор этган ҳолда интенсив фойдаланилган, табиий объектлар авваламбор, иқтисодий ресурс сифатида баҳоланган, табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ аксарият ҳаётий муҳим масалалар Марказдан туриб, Ўзбекистон ва унинг халқи манфаатларини

ҳисобга олмасдан ҳал этилган. Тўртинчи босқич истиқлол йилларида экологик қонун ҳужжатлари ривожланишига бағишланган бўлиб, унда экологик қонун ҳужжатлари тизими шаклланиши ва ривожланишининг асосий тенденциялари ажратиб кўрсатилган.

Параграфда тадқиқотчи томонидан мамлакатимизда экологик қонун ҳужжатлари тизими ривожланиши энг замонавий хорижий тажриба билан уйғунлиги, унга мослиги, ҳамоҳанглиги тўғрисида хулосага келинган. Унда қайд этилишича, хорижий давлатлар томонидан ҳам 2016-2017 йиллар давомида иқлим ўзгариши ва барқарор ривожланиш бўйича давлат сиёсати асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш (Бразилия, Канада, Австралия, Австрия, Мексика, Хорватия, Қирғизистон), табиатни муҳофаза қилиш, экология соҳасида бошқарув ва экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш (Бразилия, Германия, Австралия, Швейцария, Канада, Испания, Буюк Британия, Линхтенштейн, Франция, Беларусь, Қозоғистон, Перу), ифлосланишга қарши курашиш ва чиқиндиларни қисқартириш устидан назорат (Бразилия, Швейцария, Германия, Канада, Австралия, Люксембург, Франция, Парагвай, Линхтенштейн, Чили), энергия, нефть ва табиий газдан фойдаланишда экологик талабларни ўрнатиш (Канада, Германия, Австралия, Ирландия, Италия, Швейцария, Буюк Британия, Бангладеш); ер қаъри ва минерал ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш (Канада, Австралия, Хитой, Кения, Буюк Британия) борасида қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Экологик қонун ҳужжатлари тизими: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, унда экологик қонун ҳужжатлари тизимида конституциявий нормалар, қонунлар, қонуности ҳужжатлари тизими ва тавсифи ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хусусан, ушбу бобнинг «*Экологик қонун ҳужжатлари тизимида конституциявий нормаларнинг ўрни ва аҳамияти*» деб номланган биринчи параграфда диссертант экологик қонун ҳужжатлари тизимида конституциявий нормаларнинг ўрни ва аҳамиятини тизимли равишда таҳлил қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экология соҳасидаги ҳуқуқ нормалари тизими хорижий давлатлар конституциявий нормалари билан қиёсий таққосланган ҳолда тизимли равишда ёритиб берилган.

Тадқиқотчи Конституция экология ҳуқуқи тармоғи ҳамда қонун ҳужжатлари тизими ривожланиши учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган концептуал қоида ва принципларни белгилаб беради, деган тўхтамга келади. Унинг фикрича, конституциявий нормаларни бир хилда қўллашни таъминлаш мақсадида уларни амалдаги экологик қонунларда аниқ ифодалаш бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан табиий ресурсларга нисбатан умуммиллий бойлик мақомини белгилаш, улардан оқилона фойдаланиш мезонларини акс эттириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф-муҳит соҳасидаги ваколатларини алоҳида акс эттириш мақсадга мувофиқ.



Ушбу бобнинг навбатдаги «*Экологик қонун ҳужжатлари тизимида қонунларнинг юридик табиати ва таснифи*»га бағишланган параграфда қонунларнинг экология соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Хусусан, изланувчи табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий қонун – «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга тўхталиб, ушбу Қонун бугунги кунда барча экологик-ҳуқуқий муносабатларни қамраб олишга ҳамда мамлакатимиз экологик сиёсатининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник механизмларини мувофиқлаштиришга қодир эмас, деган хулосага келади. Чунончи, унда бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб бораётган фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари, уларни муҳофаза қилиш механизми, экологик ахборот, экологик суғурта, экологик аудит, экологик ҳалокат зоналари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, агрохимикатлар, экологик зарарни қоплаш, экологик таълим-тарбия каби муносабатлар умуман ёки етарли даражада тартибга солинмаган.

Ушбу параграф доирасида диссертант экология соҳасидаги қонунларни танқидий таҳлил қилиш асосида уларга хос бўлган тизимли камчиликларни аниқлайди. Хусусан, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари кўп сонли ҳаволаки нормаларга эгаллиги билан тавсифланади. Масалан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонундаги ўндан ортиқ ҳаволаки нормалар, масалан, экология суғуртасининг тартиби ва шартлари, фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тартиби, экологик сертификатлаш тартиби (36, 39, 46-моддалар) ва бошқалар тегишли қонун ҳужжатларида ўз ривожини топганича йўқ. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг айрим ҳаволаки нормаларини реализация қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида сув мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида ер ости сувларини муҳофаза қилиш тўғрисида» низомлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди. Шунингдек, Ер кодекси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунларнинг реализация қилинмаган ҳаволаки нормалари ҳам аниқланган.

Шунингдек, бу борада экология соҳасидаги қонунларнинг ўзаро ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлиги, алоқадорлиги ва боғлиқлиги етарли даражада таъминланмаганлиги; ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида экология соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган, жавобгарлик чоралари белгиланмаганлигини; экология соҳасидаги айрим қонунларда ўзаро зид ва бир-бирига қарама-қарши бўлган нормалар учраши; экология соҳасидаги қонунларда қонунчилик техникасига оид камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқ мисоллар ёрдамида асослантирилган ва уларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобнинг сўнгги параграфи «*Экология соҳасидаги қонуности ҳужжатлари: тушунчаси ва таснифи*»га бағишланган. Параграфда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экологик қонун ҳужжатлари

тизимда тутган ўрни очиб берилган. Диссертант қонун ҳужжатларида белгиланган кетма-кетлик бўйича экология соҳасидаги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига тўхталиб ўтади.

Аввало, экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди: улар асосан аҳолини энг кўп ташвишга соладиган масалалар (аҳолининг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, ичимлик суви билан таъминлаш, муқобил энергия манбаларини ва гидроэнергетикани ривожлантириш) юзасидан қабул қилинган; ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва режаларини белгилаб берган («Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон асосида ҳар бир ҳудуднинг табиий салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, атроф-табиий муҳитга зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш каби устувор ривожланиш йўналишлари кўрсатилган); экология соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган (экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги, қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, геология ва минерал ресурслар, саноат ва қончилик, архитектура ва шаҳар қурилиши, ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил қилиш ва такомиллаштириш) ва бошқалар.

Экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини таҳлил қилиш улар қуйидаги йўналишларда қабул қилинаётганлигини кўрсатмоқда: қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш; фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш; ер ва сувни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш; ер қаърини муҳофаза қилиш ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, геология-қидирув ишларини ташкил қилиш, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби, ер қаърини геологик ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этиш; халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имплементация қилиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид халқаро лойиҳаларни амалга ошириш; экология соҳасида бошқарув асосларини ва бу борадаги институционал тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш ва бошқалар.

Диссертант экология соҳасидаги қонуности ҳужжатлари хусусиятига қараб, таъсис этиш (сув, ўрмон, қишлоқ хўжалиги, ўрмон, геология, минерал ресурслар, ер, кадастр ва бошқа соҳалардаги махсус ваколатли давлат органлари фаолиятини ташкил этиш, тугатиш, қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги фармон ва қарорлар), режалаштириш, молиялаштириш,

таъминлаш, ташкиллаштириш, рухсат бериш каби вазифаларни бажариши тўғрисида хулосага келади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Экологик қонун ҳужжатлари тизимида экологизациялашган нормалар ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар**» деб номланиб, унда экологик муносабатларни тартибдаги солишда экологизациялашган нормалар ва уларни такомиллаштириш ҳамда экология соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш муаммолари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Хусусан, ушбу бобнинг «*Экологик муносабатларни тартибдаги солишда экологизациялашган нормалар ва уларни такомиллаштириш*» деб номланган биринчи параграфида экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимида экологизациялашган нормаларнинг ўрни тадқиқ этилган.

Мазкур параграфда изланувчи ҳуқуқшунос олимларнинг (Л.Г.Клюканова, Н.К.Тахватулина, С.В.Лекарев, В.А.Порк, А.П.Анисимов, Ш.Х.Файзиев, М.М.Бринчук, В.В.Петров, Б.Б.Алихонов, Н.М.Кабылбеков, А.К.Голиченков, С.А.Боголюбов) қонун ҳужжатларини экологизациялаш соҳасидаги илмий изланишларини ўрганган ҳолда, экологизациялашган нормалар экологик муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усули ҳамда экологик-ҳуқуқий нормаларнинг турли соҳаларга оид қонун ҳужжатларига кириб боришидан иборат қонуний жараён, деган хулосага келади.

Экологизациялашган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлар, Жиноят, Фуқаролик ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган. Қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва яна бир қатор қонунларни экологизациялаш масаласида илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Мазкур бобнинг сўнги «*Экология соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш муаммолари*» деб номланган иккинчи параграфида ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий нормалар ва уларнинг миллий экологик-ҳуқуқий сиёсатнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотчи халқаро экологик ташаббусларни, бу борада илмий ҳамжамият (Ж.Т.Холмўминов, А.Х.Саидов, Е.А.Орендарец, В.Костицкий, А.Н.Вылегжанин, Р.А.Каламкарян, Д.М.Сытников, А.Х.Абашидзе, А.М.Солнцев) томонидан ўртага ташланаётган ҳозирги замонавий таклиф ва тавсияларни ўрганган, экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномавий-ҳуқуқий базасини таҳлил қилган.

Диссертант МДХга аъзо-давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси тажрибасини – экология соҳасидаги намунавий қонунлар қабул қилиш

амалиётини ўрганиб, мамлакатимизда яқин истиқболда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, стратегик экологик баҳолаш, генетик модификациялашган организмлар билан боғлиқ фаолиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, экологик фалокат ҳудудларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик, қадоклаш, аквакультура, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш, тупроқни муҳофаза қилиш, жамоатчилик экспертизаси, экологик аудит ва суғурта тўғрисида махсус қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда ўрта ва узоқ истиқболда экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш, шунингдек, ягона Экология кодексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифларни илгари суради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялашнинг ҳуқуқий масалалари**» деб номланиб, унда экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш масалалари, экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш тушунчаси, аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг «*Экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш масалалари*»га бағишланган биринчи параграфида экологик қонунчиликни тизимлаштиришнинг аҳамияти, зарурати, ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва вазифалари очиқ берилиб, экологик қонунчиликни тизимлаштириш мақсади – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг самарадорлигини ошириш деган тўхтамга келинган.

Изланувчи томонидан экологик қонунчиликни тизимлаштириш тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Экологик қонунчиликни тизимлаштириш шакллари сифатида ҳисобга олиш, инкорпорация, консолидация ва кодификация тушунчалари, уларнинг аҳамияти каби масалалар ёритилган. Параграфда ҳозирги ривожланиш шароитида инкорпорациянинг шаклига кўра янги турини – электрон инкорпорацияни ҳам ажратиб кўрсатиш учун етарли асослар бор, деган тўхтамга келинган. Диссертант ўз фикрини 2016 йил 23 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси» (яъни, «Lex.uz») Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манба мақомига эга бўлиши билан асослантиради.

Ушбу бобнинг «*Экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш тушунчаси, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган иккинчи параграфида экологик қонун ҳужжатларини кодификациялаш истиқболлари атрофлича таҳлил қилинган.

Мазкур параграф доирасида изланувчи бир қатор европалик эколог ҳуқуқшунос олимлар (Р.Кабрияк, Р.Наритс, Ҳ.Кауффманн, К.Вебер, Ф.Груа, Ҳ.Веинла, М.Клопфер, Е.Ребиндер, М.Фаур, М.Тамм)нинг илмий ишларига муурожаат қилиб, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини кодификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва шартларини изоҳлашга ҳаракат қилган.

Муаллиф экологик қонунчиликка кодификациянинг тармоқ ва махсус кодификация каби икки турини қўллаш мумкин, деб ҳисоблайди. Бунда тармоқ кодификациясига экология ёки аграр каби муस्ताқил соҳаларни кодификациялашни мисол қилиш мумкин бўлса, махсус (комплекс) кодификация у ёки бу ҳуқуқий институтни, табиий ресурс турини (ўрмон, сув, ер қаъри ва б.қ.) тартибга солувчи кодификациявий ҳужжат қабул қилишни англатади. Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан Сув (Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев, У.Нигмаджанов), Ўрмон (Ж.Т.Холмўминов, Ф.С.Намозов, Н.К.Скрипников), Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш (Ж.Т.Холмўминов, Н.Р.Маллаев), Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш (Ж.Т.Холмўминов) кодексларини қабул қилиш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Параграфда экологик қонун ҳужжатларини кодификациялаш бўйича ёндашувларни икки гуруҳга ажратиш мумкинлиги асослантирилади: кенг кодификация – Экология кодекси таркибига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ барча муносабатлар киради (Ж.Т.Холмўминов, Й.О.Жўраев, Ш.Х.Файзиев, Н.Р.Ахманов, А.К.Голиченков, О.А.Пустовалова, Н.А.Карпович); тор кодификация – Экология кодекси билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларгина қамраб олинади (М.Б.Усмонов, А.П.Гетьман, Г.В.Анисимова, А.А.Рудчик, Е.А.Гринь).

Муаллиф, шунингдек, экологик қонунчиликни кодификациялаш жараёнини бир неча босқичларга бўлиб олиб боришни таклиф қилади. Биринчи босқич – тайёргарлик кўриш (ташкилий) босқичи бўлиб, унда экологик қонунчилик ҳужжатлари тўпланади, инвентаризация қилинади, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади, бу борадаги хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси таҳлил қилинади (2017-2020 йиллар). Иккинчи босқич – таҳлилий босқич бўлиб, бевосита экологик қонунчилик тизимидаги қонунчилик ҳужжатлари мазмунини таққослаш ва таҳлил қилиш, уни ижодий қайта ишлаш билан боғлиқ бўлади (2020-2022 йиллар). Учинчи босқич – якуний босқич бўлиб, унда Экология кодекси лойиҳаси тегишли қонунчилик ташаббуси субъекти орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилади (2022-2025 йиллар).

Ушбу бобнинг «*Экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш борасида хорижий мамлакатлар тажрибаси*» деб номланган учинчи параграфида Экология кодексини қабул қилган давлатлар – Филиппин (1977), Кот д'Ивуар (1996), Швеция (1999), Франция (2000), Италия (2006), Қозоғистон (2007) ва Эстония (2011) экология кодекслари ва уларни экологик муносабатларни тартибга солишдаги ўрни ва роли каби масалалар

илмий ҳамда юридик манбалар асосида тадқиқ этилган. Аини дамда дунёда экологик қонун ҳужжатларини кодификациялаш бўйича ҳаракатлар Бельгия, Нидерландия, Дания, Польша, Венгрия ва Словенияда, МДХ давлатларида эса, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина, Қирғизистон Республикасида ҳам олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда умумевропа миқёсида Европа Атроф-муҳит кодексини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масала кенг муҳокама қилинмоқда.

Мазкур параграф доирасида, ижобий хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Экология кодекси илмий концепциясини, миллий экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш борасида амалий ёндашувларни ишлаб чиқишда уларнинг натижаларидан кодификациялаш мақсадларида фойдаланиш чуқур ва атрофлича ўйланган ҳамда асосли бўлиши, қоида тариқасида, экологик қонунчиликни амалга оширишнинг янги механизмларини излаш ёхуд экологик муносабатларни тартибга солишда ўхшаш муаммоларни ҳал этишдаги юридик ёндашувларни ўрганиш нуқтаи назаридан амалга оширилиши лозимлиги асослантирилган.

Диссертация ишининг сўнгги бешинчи боби «**Экологик қонун ҳужжатлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари**» деб номланиб, унда экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, экологик қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш ҳамда экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси назорати ва мониторинги каби масалалар ёритилган.

Ушбу бобнинг дастлабки «*Экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари*» деб номланган параграфида экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган, ушбу жараёнга хос бўлган тизимли камчиликлар аниқланган ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, тадқиқотчи томонидан экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолиятини янада ривожлантиришнинг ўн бешта устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу йўналишлар доирасида келгусида экологик қонун ижодкорлиги фаолиятида «Барқарор ривожланиш тўғрисида», «Экологик талабларга риоя этганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларни рағбатлантириш ва уларнинг жавобгарлиги тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш чораларини иқтисодий рағбатлантириш тўғрисида», «Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун тўловлар тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолиятнинг экологик жиҳатлари тўғрисида», «Рециркуляциявий иқтисодиётга кўмаклашиш тўғрисида», «Экологик тамғалаш тўғрисида», «Мажбурий экологик суғурта тўғрисида», «Экологик аудит тўғрисида», «Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун тўловлар тўғрисида», «Экологик фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида», «Экологик зарарни қоплаш тўғрисида», «Инсон соғлиғи ёки мулкига экологик ҳуқуқбузарликлар туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисида», «Экологик меъёрлаш тўғрисида», «Экологик сертификатлаш тўғрисида», «Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида», «Экологик тармоқлар тўғрисида», «Қизил китоб

тўғрисида», «Табий-кўриқхона фонди тўғрисида», «Суғориладиган ва алоҳида қимматга эга бўлган ерлар тўғрисида», «Асаларичилик тўғрисида», «Яйловлар тўғрисида», «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни экологизациялаш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида», «Органик ишлаб чиқариш тўғрисида», «Тоғлар тўғрисида», «Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер мелиорацияси тўғрисида», «Магистрал қувур транспорти тўғрисида», «Нефть ифлосланиши тўғрисида», «Қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисида», «Экологик маданият тўғрисида», «Экологик таълим тўғрисида», «Экологик ахборот тўғрисида», «Экологик офат ҳудудлари тўғрисида», «Ген инженерияси фаолияти хавфсизлиги тўғрисида», «Нанотехнологиялар ва уларни қўллаш тўғрисида», «Биотехнологиялар тўғрисида», «Экологик хавфсизлик тўғрисида», «Ов тўғрисида», «Балиқларни муҳофаза қилиш ва улар захираларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Иқлимни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш устида изланиш олиб бориш мумкин.

Мазкур бобнинг «*Экологик қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш муаммолари*» деб номланган параграфида диссертация тадқиқоти давомида амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш, ижтимоий сўров ўтказиш натижалари параграф мавзуйига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Хусусан, тадқиқотчи томонидан мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашнинг уч бўғинли тизими (республика даражасида, тармоқлар кесимида ва ҳудудлар миқёсида) йўлга қўйилганлиги асослантирилган ва ҳар бир бўғин алоҳида ўрганилган. Параграф доирасида, шунингдек, экологик қонун ҳужжатлари ижросига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг сўнгги учинчи параграфи «*Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси назорати ва мониторинги*» масаласига бағишланган. Унда диссертант қонунлар ижроси назорати ва мониторинги тушунчаларининг ўзаро нисбати масаласига аниқлик киритиб ўтишга ҳаракат қилган ҳамда уларнинг субъекти, амалга ошириш усули ва оқибатлари бўйича фарқлашни таклиф қилган.

Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари мониторинги самарадорлигини ошириш мақсадида бу борадаги мониторингни амалга оширишнинг махсус кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, уни режали асосда, тизимли равишда ташкил этиш ва олиб боришни таъминлаш, экология соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга оширишда жамоатчилик тузилмалари иштирокини кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид махсус қонун доирасида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги»га бағишланган алоҳида мустақил боб киритиш, ҳуқуқий мониторинг институтини янада оптималлаштириш мақсадида бу ҳақда махсус қонун қабул қилиш каби таклифлар илгари сурилган.

## ХУЛОСА

Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш масалаларини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

### **I. Илмий назарий хулосалар:**

1.1. Бир қатор илмий категорияларнинг маъно-мазмунини аниқлаш зарурати туғилганлиги сабабли, уларнинг ҳар бирининг моҳиятини аниқлашга қаратилган мавжуд ёндашувлар таҳлил қилиб чиқилди ва мазкур тушунчаларга қуйидагича муаллифлик таърифлари берилди:

– *экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими* – экология ҳуқуқининг ички тузилмаси ва мазмунини ифодаловчи ва расмий тус берувчи ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи;

– *экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш* – бу махсус ваколатли давлат органлари (расмий тизимлаштириш) ҳамда бундай ваколатга эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат тузилмалар ёки алоҳида шахсларнинг (норасмий тизимлаштириш) қонунчиликни ички ва ташқи ишлов бериш, қайта ишлаш орқали такомиллаштириш, тизимли бирлаштириш, яхлит ва мувофиқлашган тизимга келтириш ҳамда тартибга солишга қаратилган фаолияти.

1.2. Экологик қонун ҳужжатлари тизимининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилди: экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари аввало, табиат қонуниятларига асосланиши, табиий мувозанатни сақлашга қаратилган бўлиши; экологик қонун ҳужжатлари тизими икки даражали – горизонтал ва вертикал тизимда намоён бўлиши; экологик қонун ҳужжатлари тизими атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимидан ташкил топиши; экологик қонун ҳужжатлари тизими комплекслилиги, экология ҳуқуқи нормалари экология ҳуқуқи олдида турган вазибаларни ҳал қилиш учун бошқа ҳуқуқ тармоқлари (маъмурий, жиноят, ҳўжалик, меҳнат, фуқаролик ва б.қ.) нормаларини ҳам жалб қилиши ва бошқалар.

1.3. Экологик қонун ҳужжатлари тизимининг шаклланиши ва ривожланишини қуйидаги тўрт босқичга бўлиб ўрганиш таклиф этилди: Биринчи босқич – қадимги даврда экологик-ҳуқуқий норма ва қоидаларнинг шаклланиши босқичи. Иккинчи босқич – ўрта асрларда экологик қонун ҳужжатларининг ривожланиши босқичи. Учинчи босқич – XIX-XX асрларда шўролар ва собиқ Иттифоқ даврида экологик қонун ҳужжатларининг ривожланиши босқичи. Тўртинчи босқич – экологик қонун ҳужжатлари ривожининг замонавий босқичи (1991-2017 й.).



1.4. Мустақиллик йилларида экологик қонун ҳужжатлари тизими шаклланиши ва ривожланишининг қуйидаги асосий тенденциялари ажратиб кўрсатилди: замонавий ва илғор экологик қонун ҳужжатлари тизими – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашнинг яхлит қонунчилик, шу жумладан конституциявий асослари шакллантирилиб, айрим тармоқларда (ер) кодификация ишлари олиб борилганлиги; халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган талаб ва принциплари миллий экологик қонун ҳужжатларига жорий этилиши; экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолияти изчил такомиллашуви; экологик қонун ҳужжатлари тизимида қонунларнинг ўрни ва роли, сифати ва тўғридан-тўғри амал қилиш кучи тобора ошиб бориши; табиий ресурсларга нисбатан мулкий муносабатлар табиати ўзгараётганлиги; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар иштирокига ҳамда ушбу соҳада ижтимоий шерикликка оид механизмлар кенгаётганлиги; экологик-ҳуқуқий механизмнинг қонуний асослари жорий этилиши; табиий ресурслардан оқилona, самарали ва эҳтиёткорона фойдаланишни таъминловчи механизмлар жорий этилиши; қонун ҳужжатлари тармоқларини экологизациялаш жараёни давом этаётганлиги; экология соҳасида давлат бошқарувининг қонунчилик асослари такомиллашуви; чиқиндиларнинг фуқаролар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизими такомиллашуви.

## **II. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар:**

2.1. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва улардаги ҳаволаки нормаларни реализация қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар:

### ***«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун бўйича:***

– Қонунда бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб бораётган фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари, уларни муҳофаза қилиш механизми, экологик ахборот, экологик суғурта, экологик аудит, экологик ҳалокат зоналари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, агрохимикатлар, экологик зарарни қоплаш, экологик таълим-тарбия каби муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қоидаларни киритиш зарур;

– Қонуннинг «Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари» деб номланган 21-моддаси номини ва мазмунини янги таҳрирдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар талабларига мослаштириш зарур;

– 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар белгилашга

ваколатли бўлиб, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида ушбу органларнинг мазкур ваколатини киритиш лозим;

– деярли барча экологик қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига бағишланган алоҳида моддалар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу Қонунда фуқаролик жамияти институтининг экология соҳасидаги ваколатлари тўғрисида махсус қоидалар белгилаш зарур;

– Қонуннинг 17-моддасидаги тупроқнинг гумус қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши кераклиги тўғрисидаги талабни, Ер кодексининг 79-моддаси тўртинчи қисми 7-бандида тўлиқ ифодалаш (сидириб олиш, фойдаланиш ва сақлаб қолиш) зарур;

– Қонуннинг 18-моддасидаги ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар тушунчаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) 2-моддасида берилган тушунчалардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилиши, шунингдек ушбу моддадаги фойдали қазилмаларни кавлаб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилиш тўғрисидаги нормани «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунга (янги таҳрири) ҳам киритиш лозим;

– Қонуннинг атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартларига оид 20-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган талабларни қайта кўриб чиқиш лозим. Аввало, атмосфера ҳавосига берилган тушунчаларни ўзаро мувофиқлаштириш, атмосфера ҳавосини сийраклаштирамаслик талабини махсус қонунда ҳам мустаҳкамлаш, шунингдек, озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этиши шарт бўлган субъектлар доираси ҳам бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, ушбу талаб таркибида озонни бузувчи моддалар бўлган буюмлардан фойдаланувчи ва уларни таъмирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар зиммасига, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра эса, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар зиммасига юкланган;

– Қонуннинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф-муҳитга хавфсизлиги учун чиқиндиларнинг мулкдорлари жавоб беришлари тўғрисидаги қоидали «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунда тўлиқ акс этишини таъминлаш зарур;

– Қонун ва «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунлар ўртасида тушунчаларни бирхиллаштириш (масалан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда «жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси», «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунда эса, «жамоат экологик экспертизаси» тушунчаси қўлланилган), шунингдек қонунлардаги жамоат экологик экспертизасини ўтказиши мумкин бўлган субъектлар доирасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, ушбу экспертиза тури жамоат бирлашмалари ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунга асосан эса, «нодавлат

нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар» томонидан амалга оширилиши мумкин) мақсадга мувофиқ;

– Қонуннинг экологик назоратга бағишланган 7-боби таркибига атроф табиий муҳит мониторинги (28-модда) ҳамда давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати (30-модда) ҳам киритилганлигини ҳисобга олиб, ушбу Қонун ва «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунни ўзаро мувофиқлаштириш зарур;

– атроф табиий муҳит мониторингига «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда («кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилаш»), янги таҳрирдаги «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларда («мунтазам кузатиш, ўзгаришларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда прогноз қилиш»), Ер кодексида, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) ҳамда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда («аниқлаш, баҳо бериш, олдини олиш ва оқибатларини тугатиш, кузатиб туриш тизими») берилган тушунчаларни ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

**«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун** бўйича айрим ҳаволаки нормаларни реализация қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида сув мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида ер ости сувларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги низомларни ишлаб чиқиш, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида»ги низомда ушбу инспекциянинг ер ости сувлари давлат мониторингини (шу жумладан, минерал ва саноат ер ости сувлари ҳолати устидан) амалга ошириш бўйича ваколатини белгилаб қўйиш, табиий чиқиш жойларига эга бўлган ер ости сув объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга бағишланган махсус норма киритиш мақсадга мувофиқ.

**«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун** бўйича айрим ҳаволаки нормаларни реализация қилиш мақсадида, «Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида», «Атмосфера ҳавосининг давлат мониторингини юритиш тартиби тўғрисида»ги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)** бўйича айрим ҳаволаки нормаларни реализация қилиш мақсадида, «Ер қаъри участкалари ва фойдали қазилма конларининг давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида», «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир, давлат экологик экспертизаси ўтказишини талаб қилмайдиган ишларнинг рўйхати», «Кончиликдаги қутқарув қисмлари тўғрисида», «Очиқ нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган геологик объектларни тузиш тартиби

тўғрисида», «Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот тўғрисида»ги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

**Ер кодекси** бўйича, ушбу кодексдаги айрим ҳаволаки нормаларни реализация қилиш мақсадида, «Ер тузиш тартиби тўғрисида», «Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида», «Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш) тартиби тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда қидирув ишларини амалга оширишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида», «Қишлоқ аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида», «Ерларни табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуннинг** айрим ҳаволаки нормаларини реализация қилиш учун «Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилиши шарт бўлган объектларнинг рўйхати» ишлаб чиқилиши лозим.

**«Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг** айрим ҳаволаки нормаларини реализация қилиш учун «Чиқиндиларни олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида олиб ўтиш тартиби тўғрисида», «Депозитсиз идишлар ва тараларни ишлатиш тартиби тўғрисида», «Чиқиндиларни экологик сертификатлаш тартиби тўғрисида», «Чиқиндиларни камайтириш ҳамда уларни утилизация қилиш соҳасида имтиёзлар бериш тўғрисида», «Чиқиндиларни паспортлаш тўғрисида»ги қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонун** бўйича айрим ҳаволаки нормаларни реализация қилиш учун «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тузишда маслаҳатлашув комиссиялари тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадида ер участкаларини захира қилиш тартиби тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси учинчи қисмига кадастр нафақат давлат бюджети маблағлари, балки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши тўғрисидаги қонидани киритиш зарур. Мазкур Қонуннинг 10-моддаси тўртинчи қисмида фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари

белгиланган бўлса, «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида фуқаролар жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда иштирок этишлари мумкинлиги мустаҳкамланган.

**«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунда** жамоат экологик экспертизасини молиялаш нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёки фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлса, «Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги намунавий Низомнинг 20-бандида бу фаолият фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан хайрия сифатида тушган, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Яъни, Қонун нормаси Низомда анча кенгайтирилган ҳолда баён этилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ўринда Низомда кўзда тутилган норма демократик ва либерал мазмунга эгаллиги боис, Қонунга тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Қонуннинг 11-моддасида давлат экологик экспертизаси объектларининг тўққизта тоифаси белгиланган бўлса, «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида»ги Низомда бундай объектларнинг тўртта тоифаси бўйича 169 та тури кўзда тутилган.

*2.2. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:*

– МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бир қатор асосий модель (намунавий) қонунлари таҳлили асосида ушбу тажрибадан қуйидаги йўналишларда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулосага келинди: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш соҳасида (Экология кодекси ва Сув кодекси); атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш соҳасида («Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида», «Стратегик экологик баҳолаш тўғрисида» ва «Ифлосланишнинг олдини олиш ва комплекс назорат тўғрисида»ги намунавий қонунлар); экологик хавфсизлик соҳасида («Транспортнинг экологик хавфсизлиги тўғрисида», «Генетик модификациялашган организмлар билан боғлиқ фаолият хавфсизлиги тўғрисида», «Экологик фалокат ҳудудлари тўғрисида», «Экологик жавобгарлик тўғрисида», «Маданий ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш тўғрисида»ги намунавий қонунлар); ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятига нисбатан экологик талабларни белгилаш соҳасида («Экологик аграр ишлаб чиқариш тўғрисида», «Қадоқ ва кадоқсимон чиқиндилар тўғрисида», «Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари тўғрисида», «Шовқин, инфратовуш, ультратовуш ва тебраниш таъсири тўғрисида», «Аквакультура тўғрисида»ги намунавий қонунлар); алоҳида табиий ресурслар ва объектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш соҳасида («Трансчегаравий сувлар тўғрисида», «Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Табиий даволаш ресурслари, даволаш-соғломлаштириш

жойлари ва курортлари тўғрисида»ги намунавий қонунлар); экологик-ҳуқуқий механизм институтларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш соҳасида («Жамоат экологик экспертизаси тўғрисида», «Экологик аудит тўғрисида» ва «Экологик суғурта тўғрисида»ги намунавий қонунлар);

– халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида, шунингдек, қонун нормаларининг ҳуқуқий жиҳатдан санкциялар билан таъминланганлик даражаси унинг ижросини таъминловчи муҳим омиллардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ва жинойт жарималарнинг миқдорини инфляция даражасига қараб муайян муддатларда ошириб бориш тизимини жорий этиш ҳамда экология соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жарималар миқдорини тўлиқ қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ;

– келгусида «Атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича ахборот олиш, қарор қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштироки ва одил судловдан фойдаланиш тўғрисида»ги Орхусс конвенцияси, «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги конвенцияга Картахен баённомаси, «Чидамли органик ифлослантирувчилар тўғрисида»ги Стокгольм конвенцияси, «Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсири баҳолаш тўғрисида»ги конвенция, «Саноат ҳалокатларининг трансчегаравий таъсири тўғрисида»ги конвенция, «Трансчегаравий сув ҳавзалари ва халқаро қўллардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Хельсинки конвенциясига сув ва саломатлик муаммолари бўйича Лондон баённомасини ҳам ратификация қилиш масалаларини кўриш лозим;

– хорижий давлатлар тажрибаси асосида экология соҳасида қонунларни қуйидаги устувор йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосага келинди: барқарор ривожланишга ўтиш, саноатни экологизациялаш ва экологик тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми ташкилий элементларининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш; экологик зарарнинг олдини олиш, бартараф этиш ва қоплашга оид ижтимоий муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ва қонуний асосларини янада такомиллаштириш; ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни, қишлоқ хўжалигини ва аграр муносабатларни экологизациялаш ҳамда ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш; ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, энергетика ва нефть-газдан фойдаланишда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ҳамда экологик маданиятни юксалтириш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш; фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш билан боғлиқ яхлит қонун ҳужжатлари тизимини ишлаб чиқиш; экологик нуқтаи назардан алоҳида мақомга эга бўлган ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатига доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш; айрим янги соҳаларнинг экологик хавфсизлигини тартибга солиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари тизимини

шакллантириш; қонун ҳужжатларининг бошқа тармоқларини экологизациялаш; алоҳида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш; экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизимини демократлаштириш, шу жумладан жамоатчилик иштирокини янада кенгайтириш; экологик зарарни қоплаш; иқлимни муҳофаза қилишнинг яхлит ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш; чиқиндилар ҳажмини қисқартириш ва уларни қайта ишлашни рағбатлантириш.

*2.3. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими изчил ривожланаётганлигини ҳисобга олиб, бошқа қонун ҳужжатларини экологизациялаш ва уларга айрим ўзгартиш ва қўшимча киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар:*

– Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги 113-І-сонли Қонуни 2, 6, 7, 11, 12, 14-моддаларига «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши зарур;

– янги таҳрирдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларга ҳамда ярим эркин шароитда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланаётган ва (ёки) етиштирилган ёввойи ҳайвонларга нисбатан юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини эътироф этиши, ўз навбатида, табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик асосларини тубдан қайта кўриб чиқишни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан мулк ҳуқуқига оид нормаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади;

– Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги 171-ІІ-сонли Қонунига «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур. Хусусан, унинг 12-моддасига «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасидан келиб чиқиб, давлат кадастрлари юритилишини молиялаштириш нафақат давлат бюджети, балки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкинлигини акс эттириш зарур. Шунингдек, Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат ҳисобини ва улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини юритувчи вазирликлар, идора ҳамда ташкилотлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат

кадастри бўйича зарур ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига текин тақдим этади»;

– «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 86-87-моддаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудудларидаги сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш ваколатига эгаллиги қайд этилган бўлиб, ушбу ваколатни 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларда ҳам ифодалаш зарур.

*2.4. Экология соҳасидаги қонунларнинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмларини ва жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича тақлиф ва тавсиялар:*

– «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда ман этилган табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузиш; корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, реконструкциялаш ёки уларни тугатиш чоғида экология норма ва қоидаларни бузиш; экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузиш; давлат экология экспертизаси талабларини бажармаслик; табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармаслик; атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш; чиқиндиларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортиш; чиқиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва кўмиш каби ҳаракатлар учун жавобгарлик чораларини белгилаш лозим;

– «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифаси юкланиши қайд этилган. Ушбу чорани махсус экологик жавобгарлик чораси сифатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига киритиш орқали ушбу нормани реализация қилиш зарур;

– янги таҳрирдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан



фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларда ҳам камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларининг сонини камайтириш, ёввойи ҳайвонларнинг турларини нобуд қилиш, улар ўсадиган ёки яшайдиган муҳитни бузиш; ботаника ва дендрология боғлари ҳудудида ушбу боғларни ташкил этиш мақсадларига мувофиқ бўлмаган ва ўсимлик дунёсининг сақланиб қолишига таҳдид солувчи фаолиятни олиб бориш; ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид талабларга жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда технологияларни қўллаш; ўсимликларни химоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсиш стимуляторларини, минерал ўғитларни ва бошқа препаратларни ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитни муҳофаза қилишга доир талабларга риоя этмаган ҳолда қўллаш; ўсимликларни улар ўсадиган муҳитда ўзбошимчалик билан йўқ қилиб юбориш, шу жумладан ёкиб юбориш; ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид талабларни ҳисобга олмаган ҳолда ўсимликларни ёқиш, ёввойи ҳайвонлар учун хавфли бўлган материаллар, хом-ашё, кимёвий моддалар, ўсимликларни химоя қилиш воситаларини, минерал ўғитларни ҳамда бошқа препаратларни сақлаш ва қўллаш, маиший ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилиш, ташиш ва кўмиш; ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириш, иқлимга мослаштириш ва чатиштириш; ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланаётган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитга ўзбошимчалик билан чиқариб юбориш сингари ўнга яқин тақиқланган ҳаракатлар учун тегишли жавобгарлик чораларини белгилаш зарур;

– «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни ишга тушириш, шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларига оқова сувларни ташлаш, тупроқ унумдорлигига ва етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарарли таъсир қилувчи сувларни қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун бериш, сув объектларидан бериладиган сув оқими маромини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, рўйхатдан ўтказилмаган сув ажратиш жойларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, сув объектлари ва гидротехника иншоотлари устидан транспорт воситаларини ҳайдаб ўтиш, шунингдек мўлжалланмаган жойлардан чорва молларини ҳайдаб ўтиш ва суғориш, ер ости чучук сувларидан ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун фойдаланиш, балиқлар уруғ ташлайдиган жойларга ва уларнинг қишлоқ уялари жойлашган ерларга тупроқ тўкиш, балиқ захиралари ҳолатига ҳамда уларнинг урчиб кўпайиш шароитларига салбий таъсир этувчи бошқа ишларни бажариш, ишлаб чиқариш чиқитлари, маиший ва бошқа хил чиқитлар ҳамда чиқиндиларни сув объектларига ташлаш, сувларни зарарли моддалар билан булғатиш, ер ости сувлари тўпланадиган манбалар теграсида қаттиқ ва суюқ чиқиндилар тўплаш, ахлатхоналар барпо этиш билан боғлиқ тақиқлар ҳамда сув олиш иншоотларининг тегишли санитария-техника ҳолатида бўлишини таъминлаш

каби мажбуриятларнинг ижросини зарур жавобгарлик чоралари билан таъминлаш лозим;

– «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба бўлиши ёки ҳавога бошқа тарзда зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган техноген ҳосилаларни аҳоли пунктлари ҳудудида ёки уларга яқин ерларда жойлаштиришни тақиқлашга оид нормасини зарур жавобгарлик чоралари билан таъминлаш керак;

– Ер кодексининг ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш, кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаслик каби тақиқланган ҳаракатлар учун жавобгарлик чораларини белгилаш лозим;

– «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунда экологик экспертиза экспертнинг фаолиятига аралаштириш ва жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланган бўлиб, уни тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари билан таъминлаш зарур;

– «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чиқиндиларни, шу жумладан чет элга мансуб радиоактив чиқиндиларнинг ҳар қандай турларини сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида олиб кириш, утилизация қилиш учун тегишли технологиялар мавжуд бўлган чиқиндиларнинг кўмиб ташлаш каби тақиқланган хатти-ҳаракатлар учун тегишли юридик жавобгарлик чоралари белгиланмаган.

*2.5. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш ва Экология кодексини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар:*

– экология соҳасида қонун ижодкорлиги фаолиятини тизимли ва аниқ режа асосида амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий йўналишлари ва мазмунини белгилаб берувчи концептуал сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат – **«Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги концепция»**ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим (АҚШ, Франция, Россия Федерацияси ва ҳ.к.);

– Ўзбекистон Республикасида экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ривожланишининг ҳозирги босқичи, мавжуд қонун ҳужжатлари массиви, экологик қонун ҳужжатлари тизими ҳолати каби омиллар Экология кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этади. Тадқиқот иши натижасида умумий ва махсус қисмлар, 28 боб ва 676 моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Экология кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.27.06.2017.YU.25.01 НА СОИСКАНИЕ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**САФАРОВ ДЖАХОНГИР ИСМОИЛОВИЧ**

**СИСТЕМА ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
И ЕГО КОДИФИКАЦИЯ**

**12.00.06 – Природоресурсное право. Аграрное право.  
Экологическое право**

**АВТОРЕФЕРАТ  
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.DSc/Yu38.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (<http://akadmvd.uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный консультант:** **Файзиев Шухрат Хасанович**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Усмонов Мухаммади Бахритдинович**  
доктор юридических наук, профессор

**Насриев Илхом Исмоилович**  
доктор юридических наук, профессор

**Камалов Ойбек Ахматович**  
доктор юридических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Академия Генеральной прокуратуры**  
**Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 9 июня 2018 г. в 14.00 часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.25.01 на соискание ученых степеней при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел (зарегистрирована под №\_\_\_). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан 28 мая 2018 года.  
(протокол реестра №\_\_\_ от 28 мая 2018 года).

**У.Х. Мухамедов**

Председатель разового научного совета на основе Научного совета на соискание ученых степеней доктора наук, доктор юридических наук, профессор

**И.Ю. Фазилов**

Секретарь разового научного совета на основе Научного совета на соискание ученых степеней доктора наук, доктор юридических наук

**О.А. Камалов**

Председатель научного семинара при разового научного совета на основе Научного совета на соискание ученых степеней доктора наук, доктор юридических наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация (DSc) докторской диссертации)**

**Актуальность и значимость темы диссертации.** Сегодня во всем мире в условиях актуализации всесторонней охраны окружающей среды, предотвращения экологического кризиса, связанного с изменением климата и повышения значимости перехода на устойчивое развитие, а также быстрого роста количества законодательных актов в данной сфере (за последний год во всем мире было принято около 3500 законодательных актов в сфере экологии<sup>1</sup>) важную роль играют вопросы, связанные с системой экологического законодательства и их кодификацией. Анализ системы экологического законодательства требует обратить особое внимание вопросам обеспечения законности и верховенства закона, на основе полной инвентаризации системы законодательных актов, регулирующей данную сферу, определить правовые вакуумы и пути их устранения, а также посредством реализации отсылочных норм повысить эффективность применения законодательных актов в данной сфере.

Во всем мире необходимость повышения эффективности деятельности законотворчества в сфере экологии, совершенствования и кодификации системы законодательных актов в данной сфере, внедрения действенных механизмов осуществления мониторинга и контроля за их исполнением требует выполнения глубоких научно-исследовательских работ по данному направлению.

Важное значение имеет научно-теоретическое и практическое решение таких вопросов, как правовое обеспечение современных институтов экологического права, приведение в соответствие национального законодательства, регулирующего отношения в данной сфере, с требованиями международно-правовых документов, устранение противоречий и нестыковок между законодательными актами, кодификация законодательных актов в данной сфере в связи с увеличением их объема.

В целях обеспечения проживания людей в экологически безопасной среде в республике осуществляются широкомасштабные программные мероприятия. Согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, осуществляются системные меры по расширению производства экологически чистой продукции; смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря на развитие сельского хозяйства и жизнедеятельности населения; расширению использования возобновляемых источников энергии; предотвращению экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения<sup>2</sup>; поощрению субъектов использующих новые методы экологически чистого производства, внедряющих источники альтернативные источники энергии; обеспечению

---

<sup>1</sup>ECOLEX – подготовлен на основе анализа материалов портала информационной службы, организованной в содействии с международными организациями ФАО, ИУСН и ЮНЕП по экологическому праву (<http://www.ecolex.org>)

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

населения экологически чистой и безопасной продукцией; совершенствованию порядка сбора, перевоза, утилизации и размещения твердых бытовых отходов; организации «зеленых территорий»; пропаганде энерго-сберегающих технологий и использования альтернативных источников энергии; разработке Концепции охраны экологии и окружающей среды и использования альтернативными источниками энергии на 2019-2023 годы<sup>3</sup>. Это, в свою очередь, требует проведения полной инвентаризации законодательных актов в сфере экологии, совершенствования правовых механизмов охраны окружающей среды, рационального использования природными ресурсами и обеспечения экологической безопасности, экологизации других законодательных актов, имплементации в национальное экологическое законодательство норм международно-правовых документов. Особенно, в этом направлении одной из актуальных задач является разработка Экологического кодекса, как новый этап совершенствования законодательных актов в сфере экологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации законов Республики Узбекистан «Об охране природы» (1992), «Об экологической экспертизе» (2000), «Об экологическом контроле» (2013), указов Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды» от 21 апреля 2017 года № УП-5024, «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» от 22 января 2018 года № УП-5308 и других актов законодательства в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» на период 2012-2020 годы.

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>4</sup>.** Экологико-правовые исследования в сфере системы экологического законодательства и их кодификации выполняются в высших учебных заведениях и научных центрах зарубежных стран, в частности Oxford University, Cambridge University, Manchester University, Centre for

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Зарубежный научно-исследовательский обзор темы диссертации: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; [www.hs-mittweida.de](http://www.hs-mittweida.de); <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; [www.rug.nl](http://www.rug.nl); <http://www.wwfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; [www.iseu.bsu.by](http://www.iseu.bsu.by)

Environmental Policy Imperial College London (Великобритания), Humboldt Universitat, The University of Applied Sciences Mittweida (Германия), the University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Южная Корея), IUCN Academy of Environmental Law, Yale Center for Environmental Law and Policy, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, Indiana University (США), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Uppsala universitet, Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Utrecht University, University of Groningen, Maastricht University (Нидерланды), The Centre for Environmental Law (Индия), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Academy of European Law (Венгрия), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Московском государственном университете (Россия), Международном государственном экологическом институте Белорусского государственного университета (Беларусь).

